YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch


2026-yil, 8-sentabr, seshanba

№110 (5330)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ



Президент Шавкат Мирзиёев аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Тақдимотда суюлтирилган газ ресурслари ва тақсимоти баланси, амалдаги етказиб бериш тизими, нарх шаклланиши, субсидиялар ва аҳолига таъсири таҳлил қилинди.

Шунингдек, тақдимотда Жиззах вилоятида барпо этилаётган интеграциялашган атом электр станциясининг ташқи инфратузилмаси ва унга ёндош шаҳарча қуриш юзасидан 2 сентябрь куни берилган қўшимча топшириқлар ижросининг бориши тўғрисида ахборот берилди.

***



7 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Халқаро алоқалар бўлими мудири Лю Хайсин бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси делегациясини қабул қилди.

***



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 сентябрь куни Тошкентда ўттинчи Глобал кинология форумида иштирок этиш доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби Ян Сондерсни қабул қилди.

***



Сербия Республикаси Президенти Александр Вучичнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.

ПАРКЕНТГА ПОЕЗД КЕЛДИ

7 сентябрь куни «Паркент – Тошкент – Паркент» йўналишида шаҳарлараро электропоезд қатнови йўлга қўйилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ матбуот хизмати маълум қилишича, 2025 йил январь ойида бошланган «Байтқўрғон – Паркент» темирйўл линияси қурилиши якунланган. Лойиҳа доирасида узунлиги 24 километр бўлган электрлаштирилган темир йўл, 3 дона темир-бетон кўприк, 1 дона автомобиль йўл ўтказгич, 76 дона сув ўтказиш иншооти ҳамда 16 дона автомобиль йўли ва темирйўл кесишмаси барпо этилган. Шунингдек, 50 ўринли «Паркент» темирйўл бекати қурилган.

Электропоездда 586 та ўрин бўлиб, 1154 нафаргача йўловчи ташиш имкони бор.

Мазкур йирик лойиҳа Паркент туманининг туристик салоҳиятини оширишга хизмат қилиши кутилмоқда.



Ўқув

Пахта йиғим-терими мавсуми давомида меҳнат қонунчилиги талабларига қатъий риоя этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, айниқса, мажбурий ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик алоҳида аҳамият касб этади.

МАВСУМДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Тошкент вилоятида меҳнат инспекторлари учун ташкил этилган ўқув-тренингда Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро экспертлари ҳам иштирок этиб, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва мавсумий ишлар устидан самарали мониторинг олиб бориш бўйича тажрибалари билан ўртоқлашди.

Тадбир давомида меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар, ХМТ конвенциялари ва тавсиялари, мажбурий ҳамда болалар меҳнатининг халқаро ва миллий мезонлари атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, пахта йиғим-терими жараёнини мониторинг қилишда инспекторлар ва фуқаролик жамияти вакилларининг вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Иштирокчиларга мавсум давомида меҳнат қонунчилиги талабларига қатъий риоя этиш, мажбурий ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш муҳим вазифалардан бири экани алоҳида таъкидланди ва йўриқномалар тарқатилди.

Шокир ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Талабаларнинг инновацион ғоялари учун 500 миллион сўмгача мукофот берилади

«Ishonch»нинг Телеграм каналида батафсил маълумот олинг:

Иш топишда кимларга қўшимча кафолат бор?

«Ishonch»нинг Телеграм каналида батафсил маълумот олинг:

Меҳнат низолари:

ТАШКИЛОТЛАР СУДЛАРДА НИМА УЧУН ЮТҚАЗМОҚДА?

Кейинги йилларда Андижонда меҳнат муносабатлари мавзусига бағишланган жиддий машварат ва муҳокамаларда мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси, ички ишлар органлари ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари номлари кетма-кет – бир рўйхатда тез-тез тилга олиняпти. Йўқ, мутахассислар нуқтаи назари оммалаштиришга арзийдиган тажрибалар эътирофи эмас, аксинча, мазкур тузилмаларнинг ходимларни ноқонуний ишдан бўшатиш борасидаги рейтингда маҳкам туриб, «пешқадамликни» бошқа ташкилотларга бермай келаётгани хусусида таассуф билан билдирилаётган фикрлар.

Масалан, шу йилнинг олти ойида вилоятда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ишга тиклаш, иш ҳақи ундириш, меҳнат таътили, ижтимоий таътил каби меҳнат низолари билан боғлиқ 339 та иш кўриб чиқилган ва 190 та даъво аризаси қаноатлантирилган. Суд қарорларининг ижрога қаратилиши ортидан иш берувчилардан ходимлар фойдасига 4,5 миллиард сўмлик иш ҳақлари, 1,1 миллиард сўмлик мажбурий прогулнинг бутун вақти учун ўртача иш ҳақи, шунингдек, 320 миллион сўмлик маънавий зарар ундириб берилган. Мазкур низоларнинг кўп қисми юқорида номлари зикр этилган ташкилотлар, шунингдек, банк ҳамда бандлик тизимидаги идоралар ҳиссасига тўғри келаётир.

Хўш, ходимларнинг кўпроқ қайси хатти-ҳаракатлари иш берувчига маъқул келмаётирки, бир деганда уларга чиқиш эшиклари кўрсатиб қўйилмоқда?

Айтайлик, интизомий жазо чорасини қўллашда содир этилган қилмишнинг оғир-енгиллиги, унинг содир этилиши ҳолатлари, ходимнинг аввалги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинмасдан, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳолатлари бот-бот учраб турибди.

Яна бир вазият эса ишдан бўшатишни чекловчи қонун талабларига риоя этмаслик билан боғлиқ. Хусусан, давлат хизматчисининг меҳнатга лаёқатсизлик ва хизмат сафари даврида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши уни судда ҳеч иккиланмай лавозимига қайта тиклашга асос бўлади.

Баъзан иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишга асос сифатида кўрсатилган ҳолатлар ва далиллар ҳақиқий вазиятга тўғри келмаётир. Мисол учун, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тизимида туман бўлими бошлиғи билан Меҳнат кодексининг 157-моддасига асосан, яъни тарафлар келишувига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинган. Ўз навбатида бўлим бошлиғи бундан норози бўлиб судга мурожаат этади. Суд томонидан далилларни текшириш жараёнида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги келишув бўлим бошлиғи томонидан имзоланмагани аниқланади. Бу суд-хатшунослик экспертизаси хулосаси билан тасдиқланган. Сезиб турганингиздек, суд уни ишга тиклаб, мажбурий прогул учун катта миқдорда ҳақ ҳамда маънавий зарар ундирган.

Умуман олганда, Андижонда касаба уюшмалари мутахассисларининг ишдан бўшатилган ходимлар манфаатларини кўзлаб олиб бораётган ҳимоя позицияси ҳамда суд амалиёти натижаларидан келиб чиқаётган якдил хулосалар шуки, меҳнат муносабатларида иш берувчи йўл қўяётган бешта муҳим хато тез-тез такрорланмоқда. Бу ходимни ишдан бўшатишда қонуний асос мавжуд эмаслиги, бўшатишдан аввал бошқа бўш иш ўрни таклиф қилинмагани, интизомий жазо расмийлаштириш тартиби бузилгани, хизмат текшируви сифатсиз ўтказилгани ҳамда буйруқлар ҳуқуқий жиҳатдан етарли асослантирилмагани каби жиҳатларда яққол кўзга ташланаётир.

Айни масалалар яқинда касаба уюшмаси фаоллари, судьялар ҳамда меҳнат низоларига энг кўп тўқнаш келаётган ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган мунозара жараёнида ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Очиқ-равшан мулоқот чоғида «Нима учун меҳнат низоларида ташкилотлар судларда ютқазмоқда?» деган савол қайта-қайта ўртага ташланди. Бу саволнинг жавоби айни даврадаги аксар иштирокчиларга беш қўлдай аён, албатта. Яъни муаммо меҳнат шартномасини қонун талабларига зид равишда бекор қилиш, интизомий жазоларни расмийлаштириш тартибига риоя этмаслик, кадрларга оид буйруқларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказмаслик, хизмат текшируви масаласига юзаки ёндашув, ишга тиклаш ҳақидаги суд қарорларини ўз вақтида ижро этмаслик ва энг муҳими, инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари ҳамда юридик хизмат ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмагани билан боғлиқ.

Мавзу муҳокамаси доирасида ташкилот юристларини-да қийнаб келаётган бир муаммо хиёл «юз кўрсатгандай». Яъниким меҳнат низоларининг асосий сабаблари кўп ҳолларда ташкилот мутасаддиларининг ҳуқуқий нормаларни билмаслиги эмас, аксинча била туриб амал қилмаслиги ортидан келиб чиқмоқда. Тасаввур қилинг, иш берувчи кўзга ёқмайроқ турган бир ходимни бўшатмоқчи. Аммо қонун йўл бермаяпти. Ташкилотнинг юристи ҳам раҳбарига «бу ишимиз хом» дея вазиятни тушунтиряпти. Бироқ бошлиқнинг «менинг айтганим бўлиши керак» деган талаби ҳуқуқшуноснинг билими-ю раҳбар олдидаги андишасини босиб ўтмоқда. Айни жиҳат иш берувчиларнинг ноҳақлигини билиб турса-да, вазифаси нуқтаи назаридан уларнинг ноқонуний буйруқларини ҳимоя қиламан, дея судда юзи қизараётган ташкилот ҳуқуқшуносларининг ишчанлик кайфиятига нечоғли таъсир қилади? Юрист сифатидаги обрўсига-чи?


Айрим бошлиқларнинг тизгинсиз ҳаракатлари юзага келтираётган мана шу оғриқли нуқталар ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш фурсати келди, чоғи.

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



**Ишингиз натижасига бошқалар баҳо беради:
сиз эса қалбингиз фақат соф ва ҳаққоний бўлишига интилинг.**

Жон РЕСКИН

Эҳтиром



ФАХРИЙЛАР ВА ФАОЛЛАР ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашида истиқлолимизнинг 35 йиллиги муносабати билан ҳудудий таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассислари Мирзакарим Худдиев, Иззатулло Хўжаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари Аъзам Ихтиёров ва бошқалар ўз маърузаларида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар, фан ва таълим соҳаси ходимлари учун яратилаётган имкониятларга алоҳида тўхталдилар.

«Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!» шиори остида уюштирилган тадбирда касаба уюшмалари фахрийлари ва фаолларига байрам совғалари топширилди.

Баҳрулла ҚОДИРОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Қадр

Юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг 450 нафар ишчи-ходимига кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

– Меҳнатинг қадрланганини ҳис қилиш қувонарли, албатта, – дейди Ободонлаштириш бошқармасининг йўл-кўприк бўлими ишчиси Адҳамжон Арабов.

Наманган шаҳридаги «Шодиёна» тантаналар саройида барча ишчи-ходимларга тўкин дастурхон ёзилиб, фидойи ходимлар ва меҳнат фахрийларидан бир гуруҳига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Қодиржон МАВЛОНОВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти бирлашган қўмитаси

Касаба уюшмаси аралашгач...

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингач, унга иш ҳақи, фойдаланилмаган таътил учун компенсация ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлар ўз вақтида берилиши керак. Аммо бу талаб ҳар доим ҳам ўз тасдиғини топмаяпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашига йўлланган бир мурожаат ана шундай ҳолат билан боғлиқ.

ЮНУСОВГА ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Маълум бўлишича, Суҳробжон Юнусов 2022 йил 5 апрелдан «ERIELL WELL SOLUTIONS» МЧЖда омборчи, 2024 йил март ойидан эса марказий омбор мудири лавозимида ишлаган. 2026 йил март ойида у ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзган. Шундан сўнг иш берувчининг тегишли буйруғига биноан меҳнат шартномаси бекор қилинган. Аммо иш ҳақи, фойдаланилмаган таътил учун компенсация ва бошқа тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган.

Фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб, судга даъво аризаси киритилди. Натижада иш берувчидан С.Юнусов фойдасига 60 миллион 424 минг 516 сўм иш ҳақи ва таътил компенсацияси, 237 миллион 86 минг 455 сўм кечиктирилган тўловлар учун ҳисобланган фоизлар ҳамда 11 миллион 313 минг 174 сўм маънавий зарар ундириладиган бўлди.

Бу ерда гап фақат катта миқдордаги маблағ ундирилгани ҳақида эмас, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи ҳақида кетяпти. Зеро, ходим меҳнат шартномаси асосида ўз вазифасини бажарган экан, иш берувчи ҳам қонунчиликда белгиланган мажбуриятларини ўз вақтида бажариши шарт. Ҳолат меҳнат ҳуқуқи бузилганда ходим ёлғиз қолмаслиги лозимлигини кўрсатади. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқий ёрдами эса мана шундай вазиятда яққол сезилади.

Алишер РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Спартакиада

КИМ ЧАҚҚОНУ, КИМ МОҲИР?



Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси томонидан Пискент туманидаги спорт мактабида спартакиада ташкил этилди. Унда туман маданият, ёшлар ишлари бўлимлари, спорт мактаби ҳамда 30-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоалари иштирок этишди.

Мусобақа спортнинг стол тенниси ҳамда шашка турлари бўйича ўтказилди. Муросасиз баҳсларда иштирокчилар чаққонлик ва маҳоратларини намойиш этишди.

Тадбир якунида стол тенниси бўйича Пискент туманидаги спорт мактаби ходими Жаҳонгир Саъдуллаев биринчи, маданият бўлими ходими Нуриддин Ҳасанбоев иккинчи, спорт мактабининг яна бир ходими Дадахон Мамадиев учинчи ўринни эгаллади. Аёллар ўртасида ғолиблик Шаҳноза Расулова, Хуршида Назиркулова ва Нигора Махситалиеваларга насиб этди.

Шашка бўйича эркаклар ўртасида 30-болалар мусиқа ва санъат мактаби ходими Муҳиддин Атаматов ғолиб бўлди. Улуғбек Умаров иккинчи, Азиз Бахтиёров учинчи ўринга муносиб деб топилди. Аёллар ўртасидаги шашка баҳсларида эса Лобар Икромова, Комила Баҳодирова, Гулмира Эргашбоеваларга тенг келадигани топилмади.



Спартакиадада «Энг ёши улуғ иштирокчи» ҳамда «Энг ёш иштирокчи» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар эълон қилинди. Совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси бош мутахассиси

МАҚСАДИМИЗ – ХОДИМЛАР ҲАР ДОИМ СОҒ-ОМОН БЎЛСИН

Меҳнат муҳофазаси

«Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ нафақат юқори технологик ишлаб чиқариш қувватлари, балки минглаб меҳнаткашларни ўз атрофида бирлаштирган аҳил жамоаси билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Йирик саноат мажмуаларида оғир ва зарарли меҳнат шароитлари ҳамда жараёнлар мавжудлигини инобатга олсак, бу ерда ишчи-ходимларнинг соғлиғини асраш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда муносиб ижтимоий шароит яратиш масаласи доимо энг устувор вазифалардан бўлиб келган.

Хўш, бугун заводда ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари қай даражада таъминланган? Жараёнда касаба уюшмасининг ўрни ва таъсир кучи қандай? Шу ва бошқа саволлар билан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи касаба уюшмаси қўмитаси раиси Баҳодир КАРИМОВга мурожаат қилдик.

– Баҳодир ака, суҳбатимизни энг муҳим ва оғриқли йўналиш саналган ишлаб чиқаришда хавфсиз муҳитни яратиш масаласидан бошласак. Мураккаб технологик жараёнларга эга бўлган йирик заводда меҳнат муҳофазаси ва жамоатчилик назорати қай тартибда йўлга қўйилган? Айниқса, оғир ва зарарли шароитда меҳнат қилувчи ходимларнинг қонуний имтиёзлари қандай таъминланмоқда?

– Биласизми, меҳнатни муҳофаза қилиш инсон ҳаёти ва саломатлигини асрашнинг ягона кафолатидир. Биз ишлаб чиқариш цехлари ва таркибий бўлинмаларда иш жойларининг аҳволини мунтазам ўрганиб, аниқланган камчиликлар бўйича иш берувчига ва масъулларга тавсиялар киритамиз. Зарарли ва оғир меҳнат шароитида ишловчилар доимий эътиборимизда. Уларга қонунчиликда белгиланган қўшимча таътиллар, қисқартирилган иш вақти, тегишли компенсациялар ҳамда профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида ва меъёрларга мос берилиши тўлиқ назоратга олинган.

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва меҳнат муҳофазаси маданиятини шакллантириш фаолиятимиздаги асосий мезон. Ҳар бир ходим эрталаб уйидан соғ-саломат ишга чиқдими, кечқурун оиласи бағрига айнан шундай ҳолатда қайтиши шарт.

– Меҳнат жамоасида ижтимоий барқарорликни таъминлашда Жамоа шартномаси асосий ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади. Сиз ишлаётган корхонада тузилган жамоа шартномасида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун қандай ижтимоий имтиёзлар акс этган?

– Ҳа, жамоа шартномаси ҳар бир ходим ва унинг оиласи манфаатини муҳофаза қилувчи мустаҳкам ҳуқуқий кафолатдир.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида касаба уюшмаси қўмитасига ходимларнинг никоҳ тўйи, фарзандининг никоҳ тўйи, фарзанд туғилиши муносабати билан суюнчи пули ҳамда соғлиғини тиклаш учун моддий ёрдам ажратиш бўйича жами 912 та мурожаат келиб тушди ва уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Соғломлаштириш масаласига келсак, 8 ой мобайнида республикамизнинг сўлим гўшаларида жойлашган «Хумсон», «Чотқол энергетиклар», «Турон», «Ситораи Моҳи-Хоса» каби санаторийларга жами 329 та йўлланма ажратилди. Бундан ташқари, 12 нафар ходимимиз Қирғиз Республикасидаги «Иссиққўл» санаторийсида бўлиб қайтишди.

Жорий ёзги соғломлаштириш мавсумида Бухоро шаҳридаги «Заковат» болалар оромгоҳига ишчи-ходимларимизнинг 259 нафар фарзанди имтиёзли йўлланмалар асосида юборилди. Бу нафақат ўғил-қизларимизнинг мазмунли ҳордиғи, балки ота-оналар учун катта ижтимоий кўмакдир.

– Заводга эндигина қадам қўяётган ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг мослашув жараёни ва устоз-шогирд анъаналари қай даражада йўлга қўйилган?

– Ёшлар корхонамизнинг эртанги куни. Мажмуага ишга кирган ёш мутахассис биринчи кунданоқ ўзини ёлғиз ҳис қилмаслиги керак. Корхонамизда «Устоз-шогирд» анъанаси тизимли йўлга қўйилган, ҳар бир ёш ходимга тажрибали ва малакали мутахассислар бириктирилган. Касаба уюшмаси томонидан уларни доимий қўллаб-қувватлаш мақсадида жамоа шартномасига алоҳида «Ёшлар учун ижтимоий кафолатлар» бўлими киритилган. Унга кўра, олий таълим муассасаларини битириб келган ёш ходимларга моддий кўмак ажратилади, малака ошириши ва касбий ўсиши учун барча шароитлар яратилади. Шунингдек, ёшлар ўртасида турли касб маҳорати танловлари, интеллектуал ва спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб, ғолиблар касаба уюшмаси ҳисобидан рағбатлантирилади.

– Кундалик иш жараёнида меҳнат қонунчилиги, иш ҳақи, мукофотлар ёки цехлардаги маиший шароитлар юзасидан турли эътироз ёки муаммолар юзага келиши табиий. Касаба уюшмаси бу каби мурожаатларни қандай кўриб чиқади ва цехларда амалий назорат қандай ўрнатилган?

– Ҳар бир мурожаат ортида муайян инсоннинг манфаати ва ҳаётий эҳтиёжи туради. Келиб тушган ҳар бир мурожаат Меҳнат кодекси, ички ҳужжатлар ва жамоа шартномаси асосида синчковлик билан ўрганилади.

Цех ва участкаларда очиқ мулоқотлар ўтказиш орқали муаммоларни эрта босқичда аниқлаб, жойида ҳал этишга эътибор берамиз. Ишчиларнинг ўз вақтида дам олиши ва овқатланиши, хоналарнинг санитария ҳолати, овқатланиш жойларидаги шароитлар доимий эътиборимизда.

Нефтни қайта ишлаш хавфли ишлаб чиқариш турига киргани сабабли ходимларни мавсумий махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан ўз вақтида таъминлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш энг муҳим вазифаларимиздан бири. Лекин назоратдан мақсад фақат камчилик қидириб, кимларнидир айблаш эмас, балки муаммони ўз вақтида бартараф этиб, ишчиларга муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиб беришдир.

– Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, саноат соҳасида ишлаётган аёлларга қўшимча енгилликлар ажратиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Заводимизда машаққатли саноат соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган юзлаб хотин-қизлар бор. Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш касаба уюшмаси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири. Аёлларимиз учун жамоа шартномасида қатор қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, кичик ёшли ва мактаб ёшидаги фарзандлари бор аёлларга қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан ташқари, моддий ва маънавий кўмаклар ажратилади. Соғлиғини тиклаш учун санаторийларга йўлланмалар беришда, фарзандларини оромгоҳларга юборишда ҳамиша уларни қўллаб-қувватлаб келамиз. Қолаверса, Халқаро хотин-қизлар куни ва бошқа байрамлар арафасида моддий рағбатлантирилади ва эсдалик совғалари топширилади.

– Жамғарма маблағлари асосан қайси йўналишларга ва қандай тамойиллар асосида сарфланмоқда?

– Меҳнат қадрланган ва эъзозланган жойда кўрсаткичлар юқори, интизом ва ташаббускорлик бўлади. Ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришаётган, меҳнат интизомига қатъий амал қилувчи ва жамоат ишларида фаол ходимларимизни маънавий ва моддий рағбатлантириб борамиз. Байрамлар ва муҳим саналарда уларга эсдалик совғалари топширилади. Касаба уюшмаси бюджети аъзоларнинг маблағи. Шу сабабли уни ишлатишда шаффофлик, асослилик ва мақсадлилик асосий тамойилимиз. Бюджетимизнинг катта қисми кутилмаган оғир ижтимоий-оилавий вазиятга тушиб қолган, узоқ даволанишга муҳтож бўлган ходимларга моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади. Шунингдек, маблағлар ходимларнинг маданий-маърифий ҳордиқ чиқариши, спорт мусобақалари, интеллектуал беллашувлар ва байрам тадбирларини ташкил этишга сарфланади. Бундай тадбирлар жамоада дўстона муҳит, ҳамжиҳатлик ва корхонага бўлган дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлайди.

«ISHONCH» мухбири
Дилдора ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.

Яхши иш доимо тиришқоқлик билан амалга оширилади,
қачонки тиришқоқлик кўп маротаба қайтарилса, бу одатга айланади.
Лев ТОЛСТОЙ

Таҳлил

Ўзбекистон дипломатияси: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН БАРҚАРОР МУҲИТ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 35 йиллик тарихи мамлакат ташқи сиёсатининг шаклланиши, такомиллашуви ва янги мазмун билан бойиб бориши жараёни билан узвий боғлиқдир. Бу давр мобайнида миллий суверенитетни мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаш, миллий манфаатларни ишончли ҳимоя қилиш, хавфсизликни таъминлаш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий дипломатияни кучайтириш ҳамда мамлакатнинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида бой тажриба тўпланди.

Ўзбекистон ташқи сиёсати шаклланиши ва ривожланиши жараёнини шартли равишда бир неча босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич – 1991 йилдан 2000 йилларга қадар бўлган давр. Бу, аввало, миллий суверенитетни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг мустақил давлат ўлароқ халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинишини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлди.

Бу жараён мамлакатнинг нафақат сиёсий мустақиллигини, балки ташқи сиёсий қарорлар қабул қилишдаги мустақил позициясини ҳам мустаҳкамлади. Шу тариқа, миллий манфаатларга асосланган, ташқи таъсирлардан холи ва тинчликсевар ташқи сиёсат модели шаклана бошлади.

Иккинчи босқич – 2000-2010 йиллар мамлакатимиз ташқи сиёсатида хавфсизлик ва геосиёсий мувозанат масалалари устувор аҳамият касб этган давр.

Марказий Осиёда терроризм, экстремизм ва трансмиллий таҳдидларнинг кучайиши, Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашуви ташқи сиёсатимиз кун тартибига хавфсизлик масаласини янада қатъий олиб кирди.

Бу даврда Ўзбекистон АҚШ, Россия, Хитой ва бошқа йирик куч марказлари билан муносабатларда миллий манфаатлар ва минтақавий хавфсизликдан келиб чиққан ҳолда, мувозанатли сиёсат юритишга ҳаракат қилди. Афғонистондаги вазият, 2001 йилдан кейинги геосиёсий жараёнлар, шунингдек, 2005 йилдаги Андижон воқеалари ташқи сиёсатимизга жиддий таъсир кўрсатди.

Учинчи босқич – 2010–2016 йилларда ташқи сиёсатда эҳтиёткорлик ва хавфсизликка устувор аҳамият бериш тенденцияси кучайди.

2012 йилда қабул қилинган Ташқи сиёсий фаолият концепциясида Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, ҳудудида хорижий ҳарбий базалар жойлаштирилишига йўл қўймаслиги каби принциплар янада аниқ ифодаланди.

Бу даврни мамлакат ўз миллий хавфсизлиги ва стратегик манфаатларини ҳимоя қилишда қатъий позицияни белгилаган босқич сифатида баҳолаш мумкин.

2016 йилдан кейин Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги давр бошланди.

Очиқлик, прагматизм, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорлик ташқи сиёсатнинг асосий тамойилларига айланди.

Айниқса, Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш, чегара, сув, транспорт ва савдо масалаларини ўзаро манфаат асосида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада бир вақтлар мураккаб ҳисобланган қатор чегаравий масалалар бўйича келишувларга эришилди, одамларнинг чегаралар орқали эркин ҳаракатланиши учун имкониятлар кенгайди, савдо-иқтисодий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди.

Бу жараён Ўзбекистон дипломатиясининг муҳим хусусиятини – муаммоларни қарама-қаршилик эмас, мулоқот ва ўзаро манфаат асосида ҳал этиш тамойилини намоён қилди.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг яна бир муҳим жиҳати шуки, мамлакатнинг тарихий-маданий ва диний-маърифий меросига бўлган муносабат янги босқичга кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистонда диний-маърифий таълим ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш, буюк алломалар меросини ўрганиш, ёшларни маърифат ва илмга йўналтириш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси фаолиятининг такомиллаштирилиши, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятининг йўлга қўйилиши мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси тарихини илмий асосда ўрганишда муҳим қадам бўлди.

Самарқандда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва халқаро илмий маркази ташкил этилгани, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази барпо этилгани ҳам Ўзбекистоннинг бой диний-маърифий меросини дунёга танитиш борасидаги стратегик ёндашувнинг муҳим ифодасидир.

Буларнинг барчаси ташқи сиёсат билан ҳам бевосита боғлиқ. Зеро, бугунги дипломатия фақат сиёсий келишувлар ёки иқтисодий манфаатлар билан чекланиб қолмайди. Маданий дипломатия, илмий дипломатия ва маънавий дипломатия ҳам давлатнинг халқаро нуфузини белгилайдиган муҳим омилларга айланмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз илгари сураётган ёндашув халқаро миқёсда ҳам эътироф этилганининг ёрқин мисолидир.

Мамлакатимиз диний-маърифий дипломатиясида Ислом цивилизацияси марказининг ўрни алоҳида. Марказ нафақат тарихий ёдгорликларни намойиш этадиган маданий муассаса, балки Марказий Осиёнинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини дунё жамоатчилигига етказадиган муҳим илмий-маърифий маскандир. Зеро, мамлакатнинг халқаро нуфузи фақат иқтисодий кўрсаткичлар ёки сиёсий таъсир билан эмас, унинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссаси билан ҳам белгиланади.

2016 йилдан кейин Марказий Осиёдаги давлатлар билан муносабатларда туб бурилиш юз берди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари формати шаклланди.

Ушбу мулоқот майдони минтақадаги сиёсий ишончни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва умумий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун муҳим платформага айланди.

Айни пайтда Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар кенгайиб, инвестициявий ҳамкорлик, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Қирғизистондаги Қамбарота-1 ГЭСи ва Тожикистондаги Зарафшон ГЭСи каби лойиҳаларда минтақавий ҳамкорликнинг янги руҳи намоён бўлмоқда. Илгари тортишувларга сабаб бўлган масалалар бугун ўзаро манфаат ва ҳамкорлик асосида ҳал этилмоқда.

Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро транспорт-коммуникация тизимидаги ўрнини янада кучайтириши кутилмоқда.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида кўп томонлама дипломатия ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида Ўзбекистоннинг ташаббуслари тобора кўпайиб, мамлакатнинг глобал муаммолар муҳокамасидаги иштироки фаоллашди.

Экология, Орол фожиаси, терроризм ва экстремизмга қарши кураш, ёшлар сиёсати, маърифат ва диний бағрикенглик, маданий меросни асраш каби масалаларда илгари сурилаётган ташаббуслар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг фақат миллий манфаатлар билан чекланиб қолмасдан, умуминсоний қадриятларга ҳам таянаётганини кўрсатмоқда.

Айни жараёнда «Марказий Осиё плюс» форматларининг кенгайиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. АҚШ, Европа Иттифоқи, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар билан мулоқотларнинг янги форматларда йўлга қўйилиши Ўзбекистон дипломатиясининг кўп векторли ва мувозанатли характерини кучайтирмоқда.

Бугун Янги Ўзбекистон ўз тарихий ва маънавий меросини фақат ўтмишнинг ёдгорлиги сифатида эмас, балки замонавий тараққиёт ва халқаро ҳамкорликнинг муҳим ресурси сифатида кўрмоқда.

Бугун Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида шаклланган энг муҳим тамойил – миллий манфаатларга таянган ҳолда очиқ мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришдир.

35 йиллик дипломатик тажриба, шаклланган халқаро алоқалар, минтақада мустаҳкамланаётган ишонч ва ҳамкорлик, иқтисодий имкониятлар, шунингдек, бой тарихий ва диний-маърифий мерос Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичи учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Зеро, дипломатиянинг энг катта ютуғи – фақат дўстлар сонининг кўпайиши эмас, балки тинчлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик учун мустаҳкам муҳит яратишдир. Ўзбекистоннинг 35 йиллик ташқи сиёсий тажрибаси эса ана шу мақсад сари изчил ҳаракатнинг ёрқин намунасидир.

Фарҳод КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси декани, сиёсий фанлар доктори, профессор



Бугуннинг гапи

ДЎСТ ЭДИНГ КИМЛАР БИЛАН, БЕДОР ЭДИНГ КИМЛАР БИЛАН?..

ёш авлоднинг виртуал дунёси ҳақида мулоҳазалар

Бир оилани яқиндан биламан. Ота деҳқончилик билан шуғулланади, она –ўқитувчи. Уч ўғли бор. Икки нафарини уйлантирган. Бир қарашда рисоладагидек, ҳамма ҳавас қиладиган оила.

Аммо кенжатой бироз шўхроқ, гапга кирмасроқ чиқди – мактабни тамомламасидан онлайн қиморга ружу қўйди. Аввалига ота-она сал катта бўлса, эси кириб қолар, деб умид қилишди. Лекин у талаба бўлиб ҳам қуюлмади. Аксинча, авжига чиқди. Биринчи курсда ўқиб юрган кезлари «катта»га тушиб қолди. Оила қарзга кирди. Ўзи ўқишдан ҳайдалди. Камига қарз берган одамни ургани учун 15 суткага қамалди.

Муштипар волида эса қарзларни ёпиш учун катта кредит олган. Ойлигидан тўлаб юрибди. «Ўн миллион қолди. Шундан қутулсак, уйлантирамиз, энди бу йўлга қайтиб кирмайди. Бир адашди-да...», дея ўзини овутади.

...Кейинги вақтда онлайн қимор сабаб оғир аҳволга тушиб қолган ўсмирлар ҳақида бот-бот эшитяпмиз. Ҳатто улар орасида ўз жонига қасд қилаётганлари ҳам бор. Афсуски, бу бало мактаб ўқувчиларининг ҳам онгини заҳарлашга аллақачон улгурди.

Хўш, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Айни масалада хорижий тажриба қандай?

Эшитиб, ўқиб турибмиз. Баъзи давлатлар ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш учун ёш чегарасини ишлаб чиқишга аллақачон киришган. Айрим мамлакатларда мактаб ўқувчилари учун интернетдан фойдаланиш тақиқланди ҳам. Масалан, Австралия 2025 йил 10 декабрдан 16 ёшга тўлмаган болаларга ижтимоий тармоқларда аккаунт очиш ёки сақлаш имконини чеклади. Бу рўйхатда Facebook, Instagram, TikTok, YouTube ва бошқа йирик платформалар бор. Буюк Британия эса бу масалага янада кенгроқ ёндашяпти. Ҳукумат 2027 йил баҳоридан 16 ёшга тўлмаганларга қатор ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни чеклашни режалаштирган. 16-17 ёшдагилар учун ҳам тунги вақтда фойдаланишни чеклаш, автоматик видео қўйилишини ва шахсийлаштирилган тасмаларни ўчириш каби чоралар белгиланяпти. Британия масалани фақат тақиқ билан ҳал қилмоқчи эмас. Болаларга рақамли саводхонликни ўргатиш, ота-оналарга тавсия бериш, платформаларнинг ўзига масъулият юклаш ҳам кўзда тутиляпти. Яъни улар «Болани интернетдан қандай узамиз?» эмас, «Болани интернетдан қандай ҳимоя қиламиз?» қабилида иш тутяпти.

Тўғри, бу борада бизда ҳам саъй-ҳаракатлар бор. Хусусан, Ички ишлар вазирлигининг Киберхавфсизлик маркази мактаб ўқувчилари билан ўтказилаётган тадбирларда кибербуллинг, шахсий маълумотлар хавфсизлиги, онлайн қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтиришлар беришмоқда. Ота-оналарга YouTube, TikTok, Instagram каби платформаларда болалар ёшига мос бўлмаган контент, зарарли трендлар, бегона шахсларнинг хабарлари ва таҳдидлардан эҳтиёт бўлиш зарурлиги айтиляпти. Қурилмаларда ота-она назоратини ўрнатиш, сайт ва иловалардан фойдаланишни чеклаш, вақт белгилаш тавсия қилинмоқда. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Қуруқ тарғибот ва ташвиқот билан кўринмас балонинг олдини олиб бўлмайди.

Ота-оналар киберхавфсизлик мутахассиси эмас. Улар фарзанди қайси платформада ким билан ёзишаётгани, қайси алгоритм унга қандай видеолар тавсия қилаётганини билиши ҳам қийин. Қолаверса, аксар ёши катталар технологияни болаларчалик тушунишмайди.

Шундай экан, бизда ҳам ижтимоий тармоқларни чеклаш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш вақти келгандир. Масалан, 10 ёшли бола билан 16 ёшли ўсмирга бир хил интернет муҳитини таклиф қилиш қанчалик тўғри? Бири ҳали бегона одам билан мулоқот хавфини тушунмаслиги мумкин. Иккинчиси эса мустақил қарор қабул қилиш қобилияти анча шаклланган ўсмир.

Демак, интернетда ҳам ёшга қараб босқичма-босқич ҳимоя бўлиши табиий эмасми? Бу, албатта, «16 ёшгача телефон йўқ», «интернет бутунлай ёпилади», дегани эмас. Аксинча, кичик ёшлиларга контентга қаттиқроқ чеклов, ўсмирликда айрим платформалар ва функцияларга ёш чегараси, каттароқ ёшда эса шахсий масъулиятни босқичма-босқич ошириш тизимини ишга тушириш лозимдир. Масалан, бола учун мўлжалланган аккаунт автоматик равишда ёпиқ бўлиши, бегона одамлардан хабар қабул қилиш чекланиши, шахсийлаштирилган хавфли контент тавсиялари камайтирилиши, тунги вақтда айрим функциялар ишламаслиги мумкин.

Бу ерда масала ўғил-қизлардан интернетни тортиб олишда эмас, аксинча, уларни интернетнинг ичида ёлғиз қолдирмасликда. Чунки бугун бола қўлидаги телефон оддий телефон эмас. Унинг ортида яхши нарса ҳам, ёмони ҳам бор. Бир қарашда беозор кўринган ўйин эртага оғир оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас.

Шу сабаб бугун фарзандларимизнинг виртуал дунёси ҳақида жиддий қайғуришимиз лозим.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Эътибор

ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ УНУТИЛМАЙДИ

Собиқ иттифоқ даврида (1974-1978 йилларда) Украинанинг Чернобиль шаҳри яқинида Атом электр станцияси (АЭС) барпо этилди. Бу улкан лойиҳадан мақсад СССРнинг Европа қисмидаги аҳолиси ҳамда айрим қўшни давлатларни электр энергияси билан таъминлашдан иборат эди.

Аммо, афсуски, ўша давр раҳбарларининг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги сабаб XX асрнинг энг йирик ҳалокати сифатида тарихда қолган мудҳиш техноген офат юз берди. Оқибатда, юз минглаб бегуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмди. Табиат ва экология узоқ йиллар давомида тузатиб бўлмас даражада зарарланди. Ҳалокатнинг дастлабки ойидаёқ 100 мингдан ортиқ киши нурланиш қурбони бўлди.

Ўшанда техноген ҳодиса оқибатларини бартараф этиш ва одамларга ёрдам бериш учун Ўзбекистондан ҳам турли соҳалар вакилларидан иборат жами 11750 нафар киши сафарбар қилинганди. Минг афсуски, ўша оғир бадалнинг тўлови сифатида бугунги кунга келиб, улардан атиги 4200 нафарга яқини қолди, холос.

Бу йил – 1986 йил 26 апрель куни тонги соат 5:27 да юз берган Чернобиль ҳалокатига роппа-роса 40 йил тўлди. Ўшанда, яъни 1986-1989 йиллар давомида қутқарув ва ҳалокат оқибатларини тугатиш ишларига бутун дунё бўйича 1 миллион нафарга яқин киши жалб этилганди. БМТнинг Ижтимоий ва экологик ҳимоя қўмитаси ҳисоботига кўра, орадан 40 йил ўтгач, ўша қаҳрамонлардан учдан бир қисми, яъни атиги 330 000 нафари ҳаёт экан.

БМТ ташаббуси билан мудҳиш фожианинг 40 йиллик санасига дунё миқёсида катта эътибор берилди. Жумладан, жонажон Ўзбекистонимизда ҳам. Ҳукуматимиз томонидан қатор чора-тадбирлар ташкил этилди ва молиялаштирилди.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз «чернобилчи»лар ва уларнинг оилалари учун доим юксак ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Бунинг яққол амалий исботи сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 13 августдаги 440-қарорини келтириш мумкин. Мазкур қарор 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар, жумладан, Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва ушбу офатни бошидан кечирган шахсларга бир қатор имтиёзлардан фойдаланиш тартибини мустаҳкамлаб берди. Кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги раҳбариятига юртимиздаги барча «чернобилчи»лар номидан чуқур миннатдорчилик билдирамиз!

Агар ортга назар ташлайдиган бўлсак, ўшанда биз офат ўчоғига ўз оёғимиз билан юриб боргандик. Минг афсуски, хавфсизлик бўйича йўриқномалар берилмагани учун кўпчилик сафдошларимизнинг жасадлари бегона юртда қолиб кетди. Биз ўшанда агар бирортамиз ҳалок бўлсак, жасадимизни Ватанга қайтаришга келишиб олгандик. Омади чопиб, ўша дўзахдан омон қайтганларнинг 90 фоизи мажруҳ ва бир умрга ногирон бўлишди. Улар орадан 40 йил ўтса-да, турли хасталиклар, жисмоний ва руҳий азоб билан курашиб яшаб келмоқдалар.


Биласизми, ҳаёт ва ўлим, қўрқув ва жасорат, сукут ва бурч юзма-юз келган ўша синовли дамларда ҳеч бир ватандошимиз ортга чекинмади, буни хаёлига ҳам келтирмади.

Менимча, ўз ҳаёти, соғлиғи ва келажагини хавф остига қўйиб, ўзгалар ҳаётини қутқарган ўша юртдошларимиз ҳақиқий қаҳрамонлардир. Уларнинг номи ва хизмати ҳеч қачон унутилмайди.

Носир МИЁНМАЛИКОВ,
Ўзбекистон чернобилчилари ассоциацияси раиси

Ўқиш ва ёзишни билмайдиган одам уни бошқаларга ўргата олмайди: худди шунингдек, нима қилишини ўзи билмайдиган одам қандай қилиб бошқаларга йўл кўрсата олсин.

Марк АВРЕЛИЙ



ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ЖАҲОН МИНБАРИДА ЎЗ СЎЗИНИ АЙТИШИГА ИШОНАМАН

таржимон, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори Нодирабегим Иброҳимова билан суҳбат



Ўзбек адабиёти – бой. Дунёга ўз сўзини айта оладиган асарлар ҳам кўп. Аммо жаҳон адабиётига чиқиш учун асар яратилишининг ўзи етарли эмас. У бошқа тилларга таржима қилинган ҳолда хориж ўқувчиларига етиб бориши зарур. Бу эса юксак савияли таржима, халқаро нашрлар, адабий агентлар, давлат дастурлари ва кенг тарғиботларни ўз ичига олади.

– Сизнингча, қайси ўзбек асарлари хорижий ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин?

– Хорижий китобхонни фақатгина бизнинг чопон ва дўппимиз, яъни қуруқ миллий экзотика эмас, балки ўша экзотика ортидаги умуминсоний фожиа ва қувончлар кўпроқ қизиқтиради. Жаҳон адабиётида инсон руҳиятининг тубсиз қатламларини, зиддиятларини очиб берувчи асарларга талаб ҳамиша юқори. Бу ўринда Назар Эшонқулнинг ҳикоя ва қиссалари, Мурод Муҳаммад Дўстнинг романи, Зулфия Қуролбой қизи асарлари хорижликлар учун жозибали бўлиши мумкин. Бугунги кун ўқувчиси Ўзбекистонда ҳозир одамлар қандай яшаётганини, замонавий оилалардаги муносабатларни, аёллар тақдирини билишни истайди. Шу боис бугунги куннинг ўткир ижтимоий муаммолари, қишлоқ ва шаҳар қарама-қаршилиги ёритилган, бугунги замон нафаси уфуриб турган янги авлод ёзувчиларининг асарлари ҳам чет эл нашриётлари учун тижорий жиҳатдан қизиқарли бўлиши мумкин. Биз асарга фақат ўзимизнинг қаричимиз билан эмас, бу бутун дунё инсонлари учун ҳам қизиқми, деган мезон билан қарашимиз керак. Агар шу мезонга жавоб берадиган асарларни саралаб, уларни асл руҳи ва тузилишини сақлаган ҳолда юксак маҳорат билан таржима қилсак, ўзбек адабиёти жаҳон минбарида ўзининг муносиб ўрнини топади.

– Хўш, бугун ўзбек адабиётининг дунёга чиқишига энг кўп нима тўсқинлик қилмоқда? Яхши таржимонлар етишмаслигими, асар танлашдаги муаммоларми ёки хорижий нашриётлар билан алоқаларнинг камлигими?

– Бугунги кунда асарларимизни тўғридан-тўғри (масалан, ўзбек тилидан инглиз, немис ёки француз тилига) юксак бадиий савияда, аслият руҳини сақлаган ҳолда ўгира оладиган мутахассислар жуда кам. Шу боис юртимизда таржима маҳорати мактабларини тизимли равишда ривожлантириш ва бевосита мақсадли тилда сўзлашувчи муҳаррирлар билан ҳамкорлик қилиш энг биринчи галдаги вазифадир.

Жаҳон амалиётида ёзувчи хорижий нашриёт билан тўғридан-тўғри ишламайди, буни адабий агентлар бажаради. Улар қайси хорижий нашриёт қандай йўналишдаги китобларни босишини, бозор трендларини ва муаллифлик ҳуқуқларини яхши тушунадиган менежерлардир. Бизда эса бу тизим шаклланмаган. Асарларимиз қанчалик зўр ёзилган ва таржима қилинган бўлмасин, уларни нуфузли хорижий нашриётларнинг столига олиб бориб қўядиган, тижорий салоҳиятини кўрсатиб бера оладиган профессионал воситачиларсиз бозорга кириб бориш жуда мураккаб. Малакали таржимонлар авлодини етиштириш, жаҳон стандартига мос келадиган асарларни тўғри танлаш ва халқаро нашриётлар тилини тушунадиган адабий агентликлар тармоғини йўлга қўйиш орқали бу тўсиқларни енгиб ўтиш мумкин.

– Айрим давлатларда адабий асарларни хорижга тарғиб қилиш учун катта маблағ ва дастурлар мавжуд. Бизда асарларимизни тарғиб қилиш борасида қандай ташаббуслар бор? Умуман, ўзбек адабиётини дунёга танитиш учун давлат энг аввало, нималарга маблағ ажратиши, эътибор қаратиши керак?

– Сўнгги йилларда давлат томонидан маълум ҳаракатлар бошланганини эътироф этиш керак. Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ташаббуси билан ўзбек адабиёти антологиялари чет (хусусан, рус, инглиз) тилларига таржима қилиниб, нашр этилмоқда. Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш учун турли стипендия ва фондлар мавжуд. Аммо ҳозирги ташаббусларимизда битта кемтик бор: биз кўпинча китобни ўзимизда (Ўзбекистонда) таржима қилиб, ўзимиздаги босмахоналарда чиқарамиз ва хориждаги элчихоналаримиз орқали тарқатиш билан чекланамиз. Бу эскирган ва самарасиз усулдир. Элчихона токчасида турган китоб жаҳон китоб бозорига, дунё ўқувчисининг қўлига етиб бормайди. Жаҳон бозорига чиқиш учун Жанубий Корея ёки Туркия каби давлатларнинг муваффақиятли тажрибаларидан андаза олиш зарур. Давлат маблағни ўзимиздаги босмахонага эмас, балки ўзбек асарини чоп этишга рози бўлган нуфузли хорижий нашриётга грант сифатида бериши керак. Хориж нашриёти таржима ва босма харажатларини қоплагач, китобни ўзининг сотув тармоқларида (масалан, Amazon, Barnes & Noble, хорижий китоб дўконлари) сотади ва тарғиб қилади. Китоб ҳақиқий рақобат муҳитига тушади. Энг катта муаммо – сифатли таржима. Давлат чет тилларини биладиган иқтидорли ёшларни бадиий таржимага жалб қилиш, амалий таржима маҳорат мактаблари фаолиятини кенгайтириш ва бевосита мақсадли тил эгалари бўлган хорижлик муҳаррирлар билан ҳамкорлик лойиҳаларини молиялаштириши шарт. Яхши таржимонлар мактабисиз ҳеч бир асар хорижда ўзини оқламайди. Юқорида таъкидланганидек, асарларни хорижий нашриётларга тақдим этадиган, муаллифлик ҳуқуқларини сотадиган ва китобнинг тижорий пиари билан шуғулланадиган профессионал адабий агентларни ўқитиш ва тайёрлаш учун маблағ керак. Бунинг учун халқаро мутахассисларни Ўзбекистонга жалб қилиб, махсус курслар ташкил этиш лозим. Франкфурт, Лондон ёки Болонья каби дунёнинг энг йирик китоб ярмаркаларига фақатгина миллий либослар ва сувенирлар билан эмас, балки асарларнинг профессионал синопсислари, инглиз тилидаги сифатли намунавий таржималари ва сотувга тайёр каталоглар билан боришни молиялаштириш зарур. Давлат адабиётни экспорт қилишга шунчаки маданият тарғиботи эмас, балки жиддий интеллектуал индустрия сифатида қараши, маблағни эса тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эмас, балки ўша маҳсулотни хориж бозорига олиб кирадиган воситалар ва мутахассисларга (агентлар, таржимонлар мактаби, хорижий нашриётлар билан ишлашга) сарфлаши керак.

– Бугун таржимонларни энг кўп қийнаётган муаммо нима?

– Тил биладиган ёшлар кўп, аммо бадиий таржима шунчаки луғат билан ишлаш эмас. Бунинг учун таржима маҳорат мактаблари доирасида тизимли ишлар, тажрибали мутахассисларнинг маърузалари ва амалий машғулотлари ўта зарур. Ёш таржимонлар тайёр матн устида устозлар билан бирга ишлаб, таржима сирларини ўрганадиган, мунтазам фаолият юритадиган мактабларнинг камлиги соҳа ривожини секинлаштирмоқда. Айниқса, назмий асарлар таржимасидаги ҳолат жуда мураккаб. Шеъриятни нафақат мазмунан, балки бадиий шаклини, қофия ва вазн хусусиятларини бузмасдан бошқа тилга ўгириш улкан меҳнат талаб қилади.

Кўп ҳолларда таржимонлар шаклни деб мазмунни ёки мазмунни деб оҳангни қурбон қилишга мажбур бўлмоқда. Бу эса аслият руҳининг сезиларли даражада йўқолишига олиб келади. Бадиий асар таржимаси игна билан қудуқ қазишдек гап. Биргина сўзнинг энг тўғри муқобилини топиш учун баъзан кунлар кетади. Аммо нашриётлар томонидан таржимонларга тўланадиган қалам ҳақи бу меҳнатни тўла оқламайди. Оқибатда, айрим таржимонлар тирикчилик важидан шошма-шошарлик билан, сифатдан кўра сонга интилиб ишлашга ёки бадиий таржимани ташлаб, тижорий ва техник матнларга ўтиб кетишмоқда. Таржимонларни қийнаётган бу муаммоларни ҳал қилиш учун соҳани шунчаки тижорийлаштиришдан қочиб, уни академик ва ижодий томондан қўллаб-қувватлаш керак. Моддий рағбатни ошириш ва маҳорат мактабларини кўпайтириш орқали сифатли таржималар қатламини яратиш мумкин.

– Бугунги кунда юртимизда таржима танқидчилиги қай аҳволда? Асар таржима қилингач, унинг ютуқ ва камчиликларини холис, профессионал даражада таҳлил қилиб берадиган муҳит шаклланганми?

– Очиғини тан олиш керак, бугунги кунда юртимизда профессионал таржима танқидчилиги муҳити ва мактаби тўлақонли шаклланган, деб айта олмаймиз. Ҳақиқий таржима танқидчилиги бу матннинг руҳи, муаллиф услуби, оҳанги ва маданий кодлари қанчалик тўғри ўгирилганини таҳлил қилишдир. Афсуски, бизда кўпинча адабиётшунослар фақат таржима қилинган тайёр ўзбекча матнни ўқиб, унинг бадииятига баҳо берадилар. Аслият билан ёнма-ён қўйиб, таржимон қаерда муаллифнинг мураккаб метафорасини очиб бера олгану, қаерда иложини тополмай, сўзма-сўз таржимага ўтиб кетганини илмий-амалий таҳлил қиладиган мутахассислар бармоқ билан санарли. Букблогерлик соҳаси анча ривожланди, савияли блог юритаётган каналларда китоб ревюлари, тақризлари мунтазам эълон қилиниб борилади. Китобхонлар шу мулоҳазалар асосида дўкондан китоб танлайди. Соғлом, холис ва илмий асосланган танқидгина таржимонни ўстиради ва ўзбек таржима мактабини юқори босқичга олиб чиқади.

– Мазмунли суҳбат учун раҳмат!

Адолат БАХТИЁРОВА
суҳбатлашди



Кузатиш

УНИВЕРСИТЕТГА 20 000 000, МАКТАБГА 50 000 000 СЎМ

БИР ТАНИШИМ АЙТИБ ҚОЛДИ: УНИВЕРСИТЕТДА ЎҚИЙДИГАН ЎҒЛИ УЧУН БИР ЙИЛДА 20 МИЛЛИОН, ЎҚУВЧИ ҚИЗИ УЧУН ХУСУСИЙ МАКТАБГА САЛКАМ 50 МИЛЛИОН САРФЛАР ЭКАН.

Ота-оналар нега хусусий мактабларни танламоқда?

Қизиқ парадокс. Бир талаба қўлига диплом олиб, касб эгаси бўлиб чиқишига 80 миллион, бир ўқувчи ўрта маълумотни олиши учун эса 600 миллионга яқин маблағ керак бўлади.

Албатта, бу ҳамма учун эмас. Аммо бугун фарзандини хусусий мактабга бераётган ота-оналар кўпайиб бормоқда. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Нима учун мактаб таълими учун ота-оналар шунча харажат қилишга тайёр?

Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Биринчидан, у ерда бола кун давомида банд бўлади. Тўгараклар, олимпиадага тайёрлов машғулотлари, спорт дейсизми, ҳаммаси ўша ернинг ўзида ташкил этилади. Иккинчидан, бола ҳамиша назорат остида бўлади. Телефон ёки телевизор қаршисида соатлаб қолиб кетмайди, кўчада вақт ўтказиб, турли таъсирларга тушиб қолмайди. Ота-она эса фарзандининг куни қандай ўтаётганини хотиржам кузатади.

Лекин булар асосий жиҳат эмас. Кузатган бўлсангиз, хусусий мактабларда синфлардаги ўқувчилар сони давлат мактабларига нисбатан икки баробар кам. Уларда кўпи билан 20 нафар атрофида бола ўқийди. Давлат мактабларида эса бу кўрсаткич 35-40 нафарни ташкил этади. Энди бир ўқитувчининг 15 ва 35 нафардан ортиқ ўқувчи билан ишлашини қиёслаб кўрайлик. Қайси ҳолатда у ҳар бир боланинг билими, қизиқиши ва қобилиятини яхшироқ кузатиши мумкин? Жавоб аниқ. Ўқитувчи ўқувчи билан индивидуал ишлашга кўпроқ имконият топади. Унинг қайси фанга қизиқиши, қайси йўналишга қобилияти борлигини илғайди ва шу иқтидорни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун олимпиадалар, фан мусобақалари ва турли танловларда хусусий мактаблар ўқувчиларининг натижалари юқори бўляпти.

Шундай давлат мактаблари борки, уларда замонавий технологиялар, спорт заллари, компьютер хоналари, турли тўгараклар мавжуд. Малакали, ўз касбига фидойи ўқитувчилар ҳам етарлича. Таълим сифати хусусий мактаблардан қолишмайдиган натижаларга эришилаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Унда нега ота-оналар хусусий мактабларга бунчалик интилишяпти?..

Демак, мактаб биноси ҳар қанча муҳташам бўлмасин, замонавий техникалар билан жиҳозланмасин, дарс соатларида индивидуалликка эришилмаса, ўқувчидан юқори натижа кутиш тўғри эмас.

Тасаввур қилинг, мактабга илк қадам босган болакай 35-40 нафар ўзи каби кўзлари мўлтираб турган тенгдошлари сафига қўшилади. Табиийки, ҳамма боланинг қабул қилиш даражаси бир хил эмас. Ўқитувчи уларнинг қай бирига эътибор қаратиб улгуради, қай бирининг ўзлаштириш даражасини назорат қила олади? Савол берса, саволига вақт ажрата оладими? Мисол учун Финляндияда агар бирор бир бола мактаб дастурини ўзлаштира олмаётган бўлса, унинг учун алоҳида дастур ишлаб чиқилади. Қабул қилиш даражаси, ўзига хослиги алоҳида инобатга олинади.

Бир партада учталаб ўтириб, фақат янги мавзуларни ёки ҳарфларни кўр-кўрона ўрганиб уйга қайтадиган болалар ўзларини қачон намоён қилишларини билмаймиз. Бугун хусусий таълимга талаб ортиб бораётганини фақат «ота-оналарнинг талаби ўзгарди», деб тушунишнинг ўзи камлик қилади. Бу ҳолат давлат таълимига ҳам жамият томонидан берилган бир сигнал бўлиши керак, назаримизда. Яъни ота-она: «Мен фарзандим учун кўпроқ имконият истайман», деяпти. Давлат мактаблари ҳам шу саволга лаббай деб жавоб бериши зарур.

Албатта, хусусий мактабларнинг кўпайиши рақобат учун яхши. Аммо бу рақобат «ким кўпроқ пул тўлай олса, унинг боласи яхшироқ таълим олади», деган қарашга айланиб қолмаслиги лозим. Чунки мактабда жамиятнинг эртанги куни тарбияланади. Бугун бир бола хусусий мактабга кириб, инглиз тили, ахборот технологияларини чуқур ўрганади. Бошқа бир бола эса қўшимча дарсларга ёки ўз устида мустақил изланишга мажбур. Лекин буларнинг иккаласи ҳам бир хил қобилият билан дунёга келган бўлиши мумкин. Фарқ эса муҳитда.

Шунинг учун хусусий мактаблар кўпайишидан қувонишимиз эмас, давлат мактаблари имкониятларини ошириш лозим бўлади. Қўшимча бинолар, янги мактаблар қурилиши йиллар давомида гапирилаётгани билан сезиларли даражада ошаётгани йўқ. Агар бўлса ҳам, аҳоли кўпайиш даражасига етиб ололмаяпти. Давлат мактабларида таълим муҳитини шундай даражага олиб чиқиш керакки, ота-она «пулим етмаса, фарзандим сифатли таълимдан маҳрум бўлади», деб хавотир олмасин. Хусусий таълим эса давлат таълимига рақиб эмас, унинг сифатини оширишга туртки берадиган кучли омилга айланиши жоиз.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»



Ортиқ ОТАЖОНОВ ижросида

Марокли дам олинг, азиз газетхон!

«ДАМ ҒАНИМАТ, ДЎСТЛАР»

ҚЎШИҒИ

Дам ғанимат, дўстлар, дийдор ғанимат, дўстлар,
Ҳар нафас қадрин билинг, меъёр ғанимат, дўстлар,
Очкай ул аъмо кўзинг ағёр ғанимат, дўстлар,
Пиру устод акрабо ғамхор ғанимат, дўстлар,
Ёр ғанимат, дўстлар, дийдор ғанимат, дўстлар,
Ҳамнишин-ҳамдам билан дунё ғанимат, дўстлар.

Комилжон Отаниёзов сўзи

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o’rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
G‘ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhih:
Dilorom XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21:00
Topshirildi – 21:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 038 ta
Shundan: 6 508 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – **Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;**
19 339 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – **Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;**
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – **Marg’ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: 416**
1 2 3 4 5 6